

“ТАСДИҚЛАЙМАН“

Наманган вилояти Наманган
тумани мактабгача таълим
бўлими мудири


O.Хўжаев

БУЮРТМАЧИ:

Наманган туман мактабгача таълим бўлими

Наманган вилояти Наманган тумани

№ 32-МТГни жорий таъмирлаш ишлари

Танлов ҳуҗжатлари

Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълим бўлими

Танлов хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан руйхатдан ўтказилган тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. 1 Наманган вилояти Наманган туманинаги № 32 МТТ ни Жорий таъмирлаш ишлари

1.2. Техник топширик танлов хужжатларининг техник кисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 кун.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими булими

, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Узбекистон, Наманган вилояти, Наманган тумани Кумкурғон МФЙ.

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълими булими биносида “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда маҳсулотни ишлаб чиқарувчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала хуқукий лаёкат ва ваколатлар; танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обьектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиха хужжатлари, хусусан, лойиҳани график кисми (чизмалари) билан танишиб чиқиши ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хақида мурожаат килишга ҳақлидирлар

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. танлов хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:
- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
 - Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.
- 4.4. Куйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:
- Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:
- Техник тақлиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган холда;
- 4.5. Танлов иштирокчиси:
- факат битта тақлиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукукига эга.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабарини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган карор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.
- 6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмунмоҳиятини ўзгартираслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳакли. Давлат буюртмачисибундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига

тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

№ 1 илова

Танловга тақдим этиладиган хужжатлар рўйхати

1. Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат
2. Танлов иштирокчиси тұғрисида умумий маълумот.
3. Давлат рўйхатидан утганлиги тұғрисида гувохнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш буйича рухсат берувчи хужжатлар нусхалари.
4. Мавжуд техникалар, махсус ихтисослайтирилган асосий воситалар тұғрисида маълумот.
5. Мутахассисларнинг мазкур соҳадаги иш стажлари тұғрисида маълумот
6. Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тұғрисидаги маълумот
7. Танлов предмети қийматининг камида 20 фойзи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги
8. Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси

Илова №2

Таклифларни техник ва нархлар буйича баҳолаш.

Харид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан курсатилган муддатда иштирокчилардан электронний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жихатдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш утказилгандан сунг куйидаги критерийларга асосан нархлар буйича баҳоланади.

№	Критерийларноми, мазмунни	Энгюко ри балл	% хисобида
1.	Ушбу танлов хазматлар киска муддатда бажариш буйича кафолат	20	
2.	Танлов иштирокчиси тугрисида умумий маълумот	10	
3.	Давлат рўйхатидан утганлиги тугрисида гувохнома, лицензия, хизмат курсатиш учун рухсат этувчи хужжатлар нусхалари	10	90%
4.	Мавжуд техника ва механизмлар, мазкур ишларни бажариш учун ихтисослашган асосий воситалар мавжудлиги тугрисида маълумот.	15	
5.	Мутахассисларнинг амалий иш тажрибаси ва уртacha иш стажи	15	
6.	Курилиш ва таъмирлаш майдони билан танишганлиги тугрисидаги маълумот	20	
7	Танлов предмети кийматининг камида 20 фойзи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги	15	
8	Танлов иштирокчисининг йилик Молиявий натижаси	20	
9	Ишларни бажариш буйича берилган нархлар таклифи. (система томонидан)		10 %

“ТАСДИКЛАЙМАН“

Наманган вилояти Наманган
тумани мактабгача таълим
бўлими мудири



О.Хўжаев

Техник топширик
БУЮРТМАЧИ

Наманган вилояти Наманган тумани Мактабгача таълим булими -2022

№	Маълумотлар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар
1	Бажариладиган иш	Наманган вилояти Наманган тумани 32- МТТни капитал таъмирлаш ишлари Жами бошланғич сума : 339500000 сўм
2	Буюртмачи	Наманган вилояти Наманган тумани мактабгача таълим булими
3	Бажарувчи	Танловдан сўнг аниқланади
4	Объект жойлашган манзил	Наманган вилояти, Наманган тумани кумкургон МФЙ.
5	Иш бошланиши ва тугалланиши	2022 йил Октябрь – 2022 йил Ноябрь
6	Маблағ манзили	Бюджет
7	Алоҳида талаблар	Ишлар сифатли ва ўз вақтида бажарилиши шарт. Бажарилган ишларни қабул қилиш топшириш далолатномасига асосан қабул қилиб борилади
8	Танлов шарти	1) Иш тажрибаси: Танлов катнашчиси ушбу топширикдаги хизматга доир иш тажрибага эга бўлиши керак. 2) Танлов иштирокчиси курсатилган муддатга ишларни бажаришга кафолат бериши керак.
9	Тўловлар шарти	Тўловлар пул кўчириш йўли билан ва счёт фактура асосида